ОТАХОНЛАР ТАШАББУСИ

НАВОИЙ. Қизилтепа туманидаги "Зармитан" жамоа хўжалиги ташаббуси билан ўзига хос музей ташкил қилинди. Муҳандис Мустафо Норов, шунингдек Ҳазрат Ширинов, Мухтор Раҳимов, Зиёдулла Худоёров, Нишон Авезов каби бинокору рассомлар ғайрат кўрсатишди. Ўқувчи ёшлар ҳам тиниб-тинчимас отахон Амриддин Баҳриддиновга музейни жиҳозлашда ёрдам кўрсатдилар. Музейга қўйилган турли осориатиқалар, сурату ҳужжатлар қишлоқдошлар ҳаётидан ҳикоя қилади.

Баҳодир ЭГАМОВ.

Фирма хусусий — манфаати умумий.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МОЗИЙДАН СЎЗЛАР...

ХОРАЗМ. Ўзининг қутлуғ XXV асрлик тўйини нишонлашга хозирлик кўраётган Хивада қадимий обидалар пештоқи, эшиклар, тош устунларда битилмиш ёзувларда қандай тарих акс этган? Ичонқалъа музей қўриқхонасининг бўлим мудири, қадимшунос Комилжон Худойберганов нинг "Хива хонлари шажараси", "Битиклар" рисолалари ана шулар ҳақида ҳикоя қилади. Китоблар "Хоразм" нашриётида чоп қилиниб, шаҳар тўйига муносиб тухфа бўлди.

Рўзимбой ҲАСАН.

КУННОМА

янгиликлар
воқеалар
хабарлар

БОЛАЛАРГА СОВҒА УЛАШИЛДИ

ФАРҒОНА. Вилоят "Пахтабанк" идорасида ҲДП бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Яқинда партия ташкилотининг котиби А. Маҳмудов ташаббуси билан аъзолик бадалларидан тўпланган маблағ ҳисобига шаҳардаги ақли заиф болалар интернати тарбияланувчиларига совғалар улашилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Хоразмлик чевар тўқувчи Муборак Матёқубова.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

ХАРАЖАТ КОРХОНА ҲИСОБИДАН

БУХОРО. Электр тармоқлари корхонаси жамоаси февраль ойидан бошлаб кам даромадли оилалардан 208 тасига саҳоват кўрсатмоқда. Вилоят туманларидаги айрим кам даромадли оилалар энди электр энергияси учун пул тўламайдиган бўлишди. Энергиядан текин фойдаланишга кетадиган харажат — 402 минг сўм корхона ҳисобидан қопланади.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 февраль, сешанба № 21 (22.106).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МАЪНАВИЯТ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Сергели туманидаги 284-лицей-мактаб иқтисодиёт фанига ихтисослашган. Бу ерда 2,5 минг ўқувчи таълим олмоқда. Уларга маркетинг, менежмент, бизнес, тадбиркорлик ва бухгалтерия ҳисоби бўйича таълим берилмоқда. Яқинда эса яна бир хайрли ишга қўл урилди. Мактабда «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилди. Энди ёшлар фақат билим олиш билан чекланмай, қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар ва кечаларда бой маънавий меросимизни ўрганиш имкониятига эга бўлишади. Яқинда бу ерда ўтказилган «Маънавият — олий қадрият» кечаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Туман «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, шоира Зулфия Мўминова билан тил ва адабиёт ўқитувчиси Мухтасар Тўхлиева маъруза қилишди. Ҳаваскорлар она-Ватан, истиқлол ҳақида куй ва қўшиқлар ижро этдилар.

Маҳмуда ТОЖИБОЕВА.

ҚИШЛОҚҚА САНОАТ КЕЛСА...

Бухорода ҳам қолоқликка юз тутган, иқтисодий жиҳатдан ўтириб қолган хўжаликлар борлиги сир эмас. Қолоқлик ва ночорлик сабаблари суриштирилса — раҳбарлардан ўғит, техника, сув етишмади, бунинг устига қарзлар белимизга тепяпти деган, деҳқонга ёқмайдиган важларни эшитишингиз табиий.

Ҳалол, ишбилармон, тадбиркор, элга қайишадиган раҳбар бош бўлган хўжаликларда эса муаммолар бирин-кетин ечимини топаётир, ҳисоб-китоб жойида, қозон ҳам мой, чўмич ҳам. Буни Жондор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги мисолида кўрдик. Халил Ҳамроевнинг мазкур хўжаликда раҳбар бўлиб ишлаётганига ҳам ўн бир йил бўляпти. Яқинда Тошкентда ўтказилган катта йиғилишда қатнашди.

— Марказдан қандай янги режалар билан қайтдингиз? — сўрадим ундан.

— Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш йил якунларига бағишланибгина қолмай, балки жойлардаги раҳбарлар масъулиятини янада оширди. Юртбошимиз ислоҳотлар тақдири кўп жиҳатдан хўжалик раҳбарлари иқтидори, имкониятига боғлиқ дедилар. Ҳақиқатдан ҳам жойларда халққа ҳақни айтиб, унга тўғри раҳбарлик қилиш керак-да. Шунда муаммога, ташвиқотга ўрин қолмайди. Энг асосийси қишлоқда мулкдор кўпайсин, ер эгасини топсин. Бу мўл-кўлчилик манбаи бўлиб хизмат қилади. Жо-

Иқтисодиёт ва ислоҳот

пахта, ҳам дончиликтини тўлиқ жорий қила пудрати асосида Ҳалимов 1,5 гектардан пахта олди. рий йилда биз ҳам да бригада пудраламиз. Бултур оиишлаган Жамол ердан 52 центнер- Олим Ражабов ойласи эса 6 гектарга дон экиб, ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил олгани илғор усул нақадар зарурлигини кўрсатиб турибди.

1257 гектар еримиз бор. 40 километрга яқин очиқ ва ёпиқ заҳкашларни тозалаб турибмиз. 5 та вертикал дренажлар ёрдамида ернинг заҳини қочиряпмиз. Шу йўл билан пахта ҳосилдорлигини 36 центнердан 46,5 центнерга етказдик. 206 гектар ернинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан дон кўтардик. Ўтган йиллар давомида хўжаликда 186 гектар боғчорбоғ барпо этдик.

Даромадлар ҳам шунга яраша. Бултурги якун 68 миллион сўм даромад эгаси бўлганимизни кўрсатди. Айрим бригадаларнинг аъзолари ишлаган бир сўмларига 2 сўм 20 тийингача қўшимча ҳақ эгаси бўлишди. Механизатор Партов Ашуров 31 минг сўм қўшимча даромад олди!

— Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонини қишлоққа саноатни олиб кириш йўли билан қисқартириш масаласига қандай қарайсиз?

— Саноатни қишлоққа олиб киришга биз илгарироқ киришгандик. Шу боис ҳозир 34 та кичик корхона, цехларимиз бор. Чамалаб кўрсак қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли қарийб 30 фоизни ташкил этаркан. 10 та қишлоғимизда 36 хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи «Машраб» қўшма корхонаси, 2 та тикув цехи,ғишт заводи, 4 та силлиқланган пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхона, 2 та енгил машиналарга хизмат кўрсатувчи цех бор. Бундан ташқари консерва цехи, «Весна» шампуни ишлаб чиқарувчи кичик корхона, тегирмон, дурадгорлик, гиламчилик, зардўзлик цехларимиз ишлаб турибди.

— Қишлоқ инфраструктурасининг аҳволи-чи?

— Хўжалигимиз аъзоларига қулайлик бўлсин учун ҳамма хизмат кўрсатиш тармоқларига эгамиз. Касалхона, дорихона, пойабзал дўконлари, маиший хизмат уйи, клублар, соғломлаштириш майдонлари, чойхона, ҳаммом — ҳаммаси бор. 4 та қишлоғимиз водопроводлашган. Битта замонавий тиббиёт маскани қуряпмиз. Қисқаси, Бухорога юмуш билан боришга ҳожат қолмаган, десам муболаға бўлмайди.

Ҳа айтгандек, яна бир гап. Амалдаги йилда одамларга бериладиган ерни 2-6 гектарга етказиб, бригада пудрати усулида ишлаймиз. Шунда 290 гектар майдондан 1160 тонна дон хирмони кўтарамиз. Бунга эришсак, уруғлик ҳам ўзимиздан чиқади, аҳолини ҳам боқамиз. Бултурги миқдордан анча кўп пахта етиштирамиз. Хуллас, изланганга имкон кенг экан.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ҲУНАРМАНДЧИЛИК. КЎЗА КУНДА СИНМАЙДИ... И. ХЎЖАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 18 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: х/

1 Австралия доллари	43,43
1 Австрия шиллинги	4,77
1 Англия фунт стерлинги	92,04
10 Бельгия франки	16,28
1 Голландия гульдени	29,92
10 Греция драхмаси	2,16
1 Дания кронаси	8,81
1 БАА дирхами	15,48
1 АҚШ доллари	56,87
1 Миср фунти	16,79
1 Ирландия фунти	89,77
1 Исландия кронаси	0,81
10 Испания песети	3,97
100 Италия лираси	3,41
1 Канада доллари	42,12
1 Хитой юани	6,86
1 Қувайт динори	187,41
100 Ливан фунти	3,68
1 Малайзия рингити	22,85
1 Германия маркаси	33,58
1 Норвегия кронаси	8,47
1 Польша злотийси	18,79
10 Португалия эскудоси	3,35
1 Сингапур доллари	40,11
1000 Туркия лираси	0,47
1 Финляндия маркаси	11,33
1 Франция франки	9,95
1 Швеция кронаси	7,70
1 Швейцария франки	38,69
1 ЭКЮ	65,42
10 Жанубий Корея вони	0,65
10 Япония иенаси	4,57
1000 Россия рубли	10,06
1 Украина гривнаси	30,44
1000 Беларусь рубли	2,58
1 Эстония кронаси	4,49
1 Латвия лати	98,22
1 Литва лити	14,22
1 Қозоғистон тенгеси	0,75
1 Қирғизистон соми	3,42

х/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МОЛИЯВИЙ СИНДИКАТ ТУЗИЛДИ

Яқинда Лондонда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан «Меррилл линч» халқаро молия компанияси ўртасида молиявий синдикат ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳужжат ҳар икки молия муассасаларининг мамлакатимиздаги қимматбаҳо қоғозлар бозорига стратегик сармоядорларни жалб этиш, айни пайтда Ўзбекистоннинг қимматбаҳо қоғозларини халқаро биржа фондларига чиқишини таъминлаш учун ҳамкорликда фаолият кўрсатишини кўзда тутади.

«Меррилл линч» компанияси 760 миллиард АҚШ доллари миқдорида активга эга бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, кўчириш ва хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон бозорида етакчилик қилади. Ҳужжатни Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов ва «Меррилл линч» компаниясининг бош бошқарувчиси С. Блэки имзолади.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ **АҚШ Мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, келаси йилнинг охирларида Пентагон Европадаги 7 та махфий ҳарбий базасини тугатади. Мазкур базаларнинг 6 таси Германияда жойлашган бўлиб, уларда 4 минг нафар АҚШ аскари хизмат қилмоқда.**

***

☑ **Польша Бош вазири Влодзимеж Чимошевич бошчилигидаги ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан Литвага келди. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, у Литва раҳбарияти билан Европа Иттифоқи ва НАТО доирасида ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама этган.**

***

☑ **Зоирдаги Лоран-Дезире Кабила бошчилигидаги қўзғолончилар мамлакатнинг шимолий-шарқида жойлашган асосий шаҳарлардан бири — Исирони эгаллади. Ҳозирда қўзғолончилар мамлакатнинг Танзания, Бурунди, Руанда, Уганда ва Судан билан чегарадош ҳудудларини назорат қилаётир.**

***

☑ **Колумбия мудофаа вазири ўринбосари Аугусто Акостанинг маълум қилишича, Колумбия Россиядан 10 та «МИ-17» русумидаги замонавий ҳарбий вертолёт сотиб олади. Ушбу самолётлар мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш билан бирга гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчи жиноий гуруҳларига қарши курашда ҳам кенг қўлланади.**

***

☑ **Кейинги пайтда Яқин Шарқ минтақаси давлатлари жаҳон қурол бозорининг энг йирик харидорига айланиб қолди. Оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган хабарларга қараганда, Жанубий Африка Республикаси ўтган йили 68 давлатга умумий миқдори 873 миллион ранд—200 миллион АҚШ долларига тенг ҳажмдаги ҳарбий техника сотган. Ушбу қурол-аслаҳанинг тенг ярми Яқин Шарқ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.**

***

☑ **Мексика пойтахти Мехикода «Келгуси асрнинг ядросиз минтақалари» деб номланган халқаро семинар бошланди. Ушбу анжуман Лотин Америкасида ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги Тлателолко шартномаси имзоланганига 30 йил тўлган кунларда ўтказилмоқда.**

ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ ДЕҲҚОННИКИМИ ЁКИ?..

Қорақалпоғистондаги бир қатор шаҳар, туман марказий ва деҳқон бозорларини кўздан кечирдим. Кўпчилигида экмасдан-тикмасдан осон йўл билан пул топаётган олибсотарлар бозорларни эгаллаб олганлигига гувоҳ бўлдим.

Шуниси ажабланарлики, бозорга картошка, пиёз, мева олиб келаётганлар «тижоратчи-воситачилар» бўлиб чиқишяпти! Улар бозорга жойлашиб олган олибсотарларга бу маҳсулотларни улгуржисига пуллаб, пировард натижада нархнавонинг ошишига «ҳисса» қўшишяпти.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Масалан, Нукус шаҳридаги марказий бозор, Хўжайли, Тахиатош, Шуманай, Беруний, Амударё туманларидаги деҳқон бозорларида савдо-сотиқ қилаётганларнинг асосий қисмини олибсотарлар ташкил қилади. Ҳолбуки, бозорларимизнинг ҳақиқий эгалари деҳқонлар бўлиши — уни деҳқонлар тўлдириши керак.

Масаланинг илдизига чуқур қарасак, бир қатор қишлоқларда томорқалардан фойдаланишга эътибор сустлигини кўрамиз. Шаҳар ва туманлар марказларидан узоқдаги овулларнинг деҳқонлари пиёз, картошка ва ҳоказо маҳсулотларни бозордан сотиб олишяпти?! Шу масала билан қизиқканимизда уларга жойлардаги тегишли мутасадди ташкилотлар ёрдам қўлини чўзмаётгани маълум бўлди. Яъни, пахта, ғаллага катта эътибор бериляпти-ю, аммо сархил маҳсулотлар етиштиришга эътибор сустлигича қолмоқда. Ахир, бундай аҳволда маҳсулотларимиз қандай кўпайсин?

Телевидение орқали шу мавзуда берилаётган кўрсатувлар асосан бозорлардан олиб бориляпти. Ҳолбуки, ҳақиқий деҳқон билан, айтайлик, унинг томорқасида туриб шу нуқсонларнинг илдизини очиб ташлаш мумкин эди: Ваҳоланки, ҳозирча камчиликлар илдизидан эмас, япроғидан қидириляпти...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«АМИР ТЕМУР» ҚАРДОШЛАР ИЖРОСИДА

Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Наврўз-97» театр санъати фестивали давом этмоқда. Ҳамза номидаги академик театрида Ж. Шанин номидаги Шимкент вилоятлараро қозоқ драма театрининг «Амир Темур» спектакли намойиш қилинди. Шоир Исроил Сапаров асари асосида саҳналаштирилган икки пардали бу томошада Соҳибқирон ҳазратларининг кудратли давлат тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ва зафарли юришлари ўз ифодасини топган.

Музаффар АҲМАД.

СУВНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

Жиззах вилоят «Сув оқова» корхонаси раҳбарлари газета ўқишадими ёки?.. Раҳбар бўлишгач, ўқишади-да, деб ўйлайсиз, албатта. Мен ҳам шундай деб ўйлар эдим. Бироқ...

Корхона вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаши керак. Лекин бу вазифани кўнгилдагидек бажармаяпти. Масалан, Жиззах-Пахтакор, Дўстлик сув узатиш тармоғи қувурлари бир эмас, бир неча жойдан тешилиб, ана шу тешиклардан сизиб чиқаётган обиҳаёт сунъий кўлмаклар пайдо этганига уч йил бўляпти. Бу кўлмаклар атрофида қишин-ёзин чорва моллари ёйилиб, сувни ифлослайди. Узатиш босими пасайган пайтларда ана шу ифлосланган сув яна қувурга қайтиб тушади ва Пахтакор ҳамда Дўстлик туманлари аҳолиси ичадиган водопроводлардан чиқади. Шундай қилиб, икки туманнинг 100 минг аҳолиси ифлос сув ичишга мажбур бўлмоқда.

Лўқма

Бу ҳақда вилоятда чиқадиган «Жиззах ҳақиқати» газетасида бир неча танқидий мақолалар босилса-да, на узатиш қувурлари таъмирланди, на корхона раҳбарлари жўяли жавоб берди.

Вилоятнинг Зафаробод ва Арнасой туманларида ҳам 100 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларга корхонанинг «Қўлтош» узатиш тармоғи орқали сув етказиб берилади. Бу тармоқ қувурлари ҳар куни 24 минг куб метр сув етказиб бериши лозим бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич 12-13 минг куб метрдан ошмаётир. Натижада Арнасой туманининг тармоқ қувурлари охирида жойлашган «Фарғона», «Хоразм», «Самарқанд» ва Мирзачўл туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари уюшмалари чўлқуварлари йиллаб лотоклардан сув ташиб ичмоқдалар. Лотокларда сув бўлмаган пайтларда қўшни туманлардан сотиб олиб келишга мажбур бўлаётирлар. Билмадик, қачон бу муаммо ҳал бўларкин?

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик мезонлари

Ёш мустақил Ватанимиз жаҳоний кашфиётларга ташна. Ўзбекистон дунёнинг маърифий ривожланган давлатлари қаторига чиқиши учун барча имкониятларга эга: илм хазинамиз, ақлий салоҳиятимиз, замон талабига мос имкониятларимиз мавжуд.

Энг тўғри йўл — илм йўли. Бу йўл ҳақ сари, ўзни англаш — ўзлик сари, қалб ва тафаккур коинотига юксалиш, дил ва идрок муҳитини ҳис этиш сари тутилган риёзиётдир. Шарқ тарихининг бутун даврида эҳтиёжларнинг ибтидоси бўлган кўнгил ва фикр тариқати мустақиллигимизнинг ҳам энг биринчи талабига айланди. Мустақилликнинг бундан-да аввалги эҳтиёжи замондошларимизнинг туйғу-ҳиссиётини, фикр-мушоҳадасини тарбиялашдир. Зеро, туйғу тараққиёти ҳар қандай мазмун-моҳиятли, маърифатли тамаддуннинг жавҳари ҳисобланади.

Яқинда нашрдан чиққан «Маънавият ва маърифат. (Тест саволлари тўплами)»ни варақлар эканмиз, шу мулоҳазалар хаёлимиздан кечди. Ўзбекистон Давлат тест маркази нашрга тайёрлаган ушбу тўплам ҳар бир зиёли учун ўзига хос синов бўла олади. У ўз мазмун-моҳиятига кўра мутлақо янгиликдир.

Шу муносабат билан марказ директори Муҳсинжон МУҲИДДИНОВдан саволларимизга жавоб беришни сўрадик.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЙЎЛИ – МУНАВВАР ЙЎЛ

Ўзингизни синаб кўрмоқчимисиз? Марҳамат, «Маънавият ва маърифат» тўпламини ўқинг.

— «Тест» деган истилоҳ «мустақиллик» сўзи билан бирга луғатимизга кирди. Шундай экан, унинг илгариги имтиҳон тизимларидан афзал жиҳатлари, тест маркази олдига қўйилган асосий вазифалар хусусида гапириб берсангиз.

— Республика Давлат тест маркази тест назорати соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминловчи муассаса ҳисобланади. Мустақилликка эришувимиз билан мамлакатимизни юқори даражада ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда инсон омили ва унинг беқиёс ақлий имкониятларидан тўла фойдаланиш муҳим аҳамият касб этди. Республика олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишда тест синовлари усули жорий этилиши эса ёшларимизнинг ўқишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди, бу борада ижтимоий адолатни таъминлади, таълим ислоҳоти жараёнини тезлаштирди. Тест усули таълим тизимининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришларни қабул қила оладиган ва мослашувчан бўлишини таъминлайди. Энг иқтидорли, энг билимли ёшларимизни саралайди. Тест натижалари элимизнинг ақлий салоҳиётини симобли кўрсаткичдек аниқ кўрсатади.

— Нега «Маънавият ва маърифат» (тест саволлари тўплами) бир муддат илгарироқ ёки кейинроқ эмас, айни шу кунларда яратилди?

— Интеллектуал имкониятлардан максимал даражада фойдаланмасдан жамиятда сифат ўзгаришларига эришиш мушкул. Биз аввало миллатимиз ақлий салоҳиятининг манбаини, заҳирасини, йўналишларини, тараққиёт босқичларини аниқ белгилаб олишимиз зарур. Шунда жамият бундай бебаҳо мулкдан оқилона фойдалана олади. Бунинг учун эса, қандай фойдаланиш йўлларини билиш керак. Илм, маънавият, маърифат мустақил давлатнинг энг муҳим асосларидан бири экани қайта-қайта таъкидланмоқда-ку.

Ана шундай даврда — ижтимоий ҳаётимизда чуқур ислоҳотлар кечаётган даврда кишиларимизнинг ўз-ўзини маънавий ва маърифий жиҳатдан имтиҳон қилиб кўришлари учун эҳтиёж туғилди. Чунки ислоҳотлар муваффақиятини маънан бой ва маърифатли инсонлар таъминлайди.

— Муҳсинжон Мўминович! Кишиларнинг билим даражасини, савиясини аниқлашда тест усулининг хил ва турлари кўп дейишади. Сиз раҳбарлик қилаётган марказда маънавият ва маърифат мавзуидаги тест саволлари тўпалами нашр этилгани бизда ҳам шу борадаги имкониятлар кўпаяётганидан далолат берадими?

— Тест марказимиз техник ва технологик жиҳатдан замонавий воситаларга, мутахассисларимиз юқори малакага эга. Биз асосан педагогик тестлар мажмуини ишлаб чиққан эдик. Маънавият ва маърифат даражасини белгилайдиган тестлар, шубҳасиз, янгилик бўлди. Уни яратишда биз ўз мутахассисларимизнинг тажриба ва малакасига, турли хил ва усулдаги тестлар манбаига асосландик. Энди фавқулодда иқтидорли (олимпиадачи) ўқувчи болалар учун тестлар мажмуини яратиш устида изланишлар олиб бормоқдамиз. Бошқа тестлар яратиш ҳам мўлжалимизда бор.

Бугунги кунда тест марказини билим жамламасига айлантиришга, илмнинг бутун йўналишларини қамраб олишга, махсус тузилган тестлардан касбий йўналишда, мутахассислар заҳирасини тайёрлашда фойдаланишга киришмоқдамиз. Тест тузишда, тест натижаларини қайта ишлаб чиқишда илғор давлатларнинг тест усулини ривожлантиряпмиз.

— Ушбу саволлар тўплами нашр этилишига, табиий, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган Фармон туртки бўлганига шубҳа йўқ. Бироқ Фармон эълон қилингандан кейин ўтган қисқа муддатда бу қадар кенг қамровли тест саволларини тузиш учун ҳам анча «тер тўкиш» га тўғри келгандир. Уни тузишда қай тартиб ва талабдан келиб чиқилди, кимлар иштирок этди?

— Президент И. Каримовнинг маънавий баркамолликни таъминлашга қаратилган кўрсатмалари ҳар биримиз учун дастуриламалдир. Фармондан кейин шундай тўплам яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Чунки ҳар биримиз, айниқса ёшларимиз, ёш раҳбар мутахассисларимиз маънавиятга кучли эҳтиёж сезади. Бу тўплам кимларнингдир маънавияти саёз эканини кўрсатишга эмас, ўз-ўзимизга таҳлилий нигоҳ билан қарашга, одамларимиз онгида маърифатга меҳр уйғотишга, шу меҳрни парваришлашга йўналтирилган. У жамиятда маданиятли муносабатларни шакллантиришга даъват этади.

Тўплам тест материаллари бўлими мутахассислари томонидан тайёрланди. Юқорида қайд этилган Фармондан сўнг бир қанча адабиётлар кўриб чиқилди, маънавият ва маърифат соҳасидаги маълумотларни тўпладик. Албатта, уларни тўла ҳажмда тўпламга киритиб бўлмасди. Шу боис саралаб олдик. Маълумотлар республикамизда кечаётган ислоҳот ва ўзгаришларни қамраб олиши зарур деган талабдан келиб чиқдик.

Тест саволларида тарихимизга ижобий муносабат ўз аксини топган. Чунки иқбол дарахтининг илдизи тарихдан озиқланади. Ҳуқуқий давлат қураётган эканмиз, кишиларимизнинг ҳуқуқ асослари борасидаги билимларини мустаҳкамлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Мустақиллик тилимизга бўлган муносабатни ўзгартирди. Тест саволларини тузишда бу жиҳат ҳам инобатга олинган. Адабиёт — инсон ва ҳаёт мантиғи ҳақида сабоқ беради. Шундай экан, адабиёт тўғрисидаги саволлар ҳам тўпламдан жой олган. Санъат инсоннинг қалбини тарбиялайди. Шу боис санъатга тўпламда кенг ўрин берилди. Жуғрофия, аҳолишунослик соҳасидаги маълумотлар ҳам тўпламнинг қамров доирасидан четда қолмади. Чунки маърифатли инсон табиатимиз тўғрисида ҳам, жамиятимиз ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўлиши керак.

— Маънавият ва маърифат соҳаси шу қадар кенгки, уни тўла қамраб олиш қийин, бошқача айтганда, ҳар қандай тест саволлари ҳаётни ёки муайян соҳани кенг қамраб олишга даъво қилолмаса керак. Шундай экан, маънавиятни шу тестга ўхшаш маъёр-мезон билан ўлчаш тўғри бўлармикан?

— Аввало, тўплам мукаммалликка даъво қилмайди. У шу йўлдаги биринчи тажриба. Тўплам босқичма-босқич такомиллаштириб борилади. Кишиларимиз қалбида маънавият қадр топмоқда, қадриятларимиз сайқаллanмоқда экан, даврнинг ўзи ҳар бир зиёлига қўйиладиган талаблар, меъёр ва мезонларни ишлаб чиқади. Шундан келиб чиқиб, саволларда мавзуларнинг ҳар бир зиёли билиши зарур бўлган умумий қирралари акс этган. Уларда синашгина эмас, ўргатиш хусусияти ҳам мавжуд. Шу сабабли тўплам фақатгина ўқувчи ва талаба ёшларга, шу соҳа мутахассисларига, педагогларга эмас, кенг оммага мўлжалланган.

— Аслини олганда, маънавият, маърифат ички-ботиний ҳодиса. Уни виждон, диёнат, ҳатто имонга тенглаштириш мумкин. Шундай экан, ҳар ким аввало ўзининг маънавий дунёсини имтиҳон қилмоғи муҳимроқ. Мазкур тўплам шу маънода ҳар ким учун ўзини-ўзи имтиҳон қилиш воситасига айланиши ҳам мумкин-ку.

— Бизнинг мақсадимиз ҳам шу — ҳар ким ўз маънавиятини ўзи имтиҳон қилиши учун имкон яратиш эди. Зеро, ўзини таниган инсон оқ-қорани, яхши-ёмонни, увол-савобни танийди. Қарийб юз йиллик яқин ўтмишимизда қадимий анъаналаримиздан узилиб қолганимиз бу масалаларни бугунги кунда жуда долзарб қилиб қўйди. Ватан, виждон, диёнат каби тушунчаларнинг қадри ошди. Ушбу тўплам маънавиятимиздаги шу кемтикни тўлдириш сари ташланган қадам. У асосан ёшларимизга мўлжалланган. Чунки мустақиллик мафкураси ёшлар учун сув билан ҳаводек зарур. Давримиз ўз маънавиятини ҳар куни, муттасил бойитиб бораётганларнинг даври. Замондан ортда қолмаслик илм аҳлигагина хос, деганлар янглишадилар. Энди, мустақил Ўзбекистонда ҳар бир киши, касб-коридан қатъи назар, маърифатли инсон бўлиши лозим. Шунда у ўзининг ижтимоий ҳуқуқларини ҳам теранроқ англайди, унинг ижтимоий ҳаракат доираси кенгаяди. Маънавияти юксак инсон ўз қобиғига ўралиб қолмайди. Унинг қалбида ҳурлик, истиқлол руҳи ҳамиша бедор бўлади. Маърифатга интилиш кундалик эҳтиёжга айланади.

— Тўпламдан жой олган рус тилидаги саволлар ҳам юртимизнинг ўтмиши ва бугунги кунига қизиқувчилар доирасини янада кенгайтириш имконини беради. Саволлар тури ва салмоғи ҳар икки тилда бирдайми?

— Рус тилидаги саволларни тузишда асосан икки жиҳат назарда тутилди. Биринчидан, биз Ватанимиз тарихига билдирилган холис муносабатларни саралаб олдик. Рус олимлари, мутафаккирларининг тарихимизга нисбатан эътирофлари, одилона баҳолари биз учун ифтихордир. Заминимизда яшаётган ҳар бир ватандошимиз бу билан фахрланишга ҳақли. Рус тилидаги саволларни тузишда эътиборда турган иккинчи жиҳат — рус тилида яратилган тарих ҳам ўзимизнинг тарих. Бу тарихимиз, фан ва маданиятимиз жуда қадим замонлардаёқ дунё миқёсида тан олинганини кўрсатади. Бундай эътироф миллий ғурурни оширади.

— Тест марказида яна қандай янгиликлар режалаштирилган?

— Газетхонларимизнинг «Умид» жамғармаси тузилганидан хабарлари бор. Энди энг иқтидорли ёшларни чет элларга таълим учун жўнатиш кўпаяди. Биз шундай йигит-қизларни саралаб оладиган тест тузишимиз, танлов механизмини ўйлашимиз, тестлаштириш технологиясини ишлаб чиқишимиз керак.

Яна бир режамиз кишиларимизда тест маданиятини ошириш билан боғлиқ. Тест синовлари бошланишидан аввал вилоятлардаги мактабларнинг битирувчи синфларида кўп вариантли технология асосида тест ўтказмоқчимиз. Мақсадимиз — тест технологиясини мактабларга олиб кириш. Ёзги имтиҳонларга тайёргарликни ошириш ниятида мактабларда имтиҳонлардан олдин умум тест синовларини ўтказиб кўрмоқчимиз.

«Маънавият ва маърифат (тест саволлари тўплами)»нинг умумий нусхаси оз. Тўпламни нашрга тайёрлаётганимизда унга эҳтиёж бу қадар катта бўлишини кутмаган эдик. Тўпламни янада тўлдириб, қайта нашрга тайёрлаймиз.

Яқинда марказимиз томонидан ўз хусусиятига кўра мутлақо янги иккита тўплам яратилди. *«1996 йилги тест натижалари» (таҳлилий материал)»* дея номланган тўпламда кўп вариантли тест тизими материалларининг якунлари таҳлилий баён этилади. Натижаларни статистик қайта ишлаш асосида таълим мажмуидаги аҳволнинг асосий хусусиятлари ва белгиларига эга бўлинди. Тадқиқот асосида республикада тест технологияси ва таълим жараёни тараққиётининг йўналиш ва истиқболлари кўрсатиб берилди. Бу тўплам хусусиятига кўра жаҳон тест амалиётида янгилик сифатида баҳоланди.

«1996 йилги тест якунларининг дидактик аспектлари» дея номланган иккинчи тўпламда тест синовлари натижаларининг катта ҳажмдаги статистик материалларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш асосида таълим жараёнини такомиллаштиришнинг дидактик жиҳатлари ёритилган. Ушбу тўплам ҳам ўз хусусияти жиҳатидан дунё тест амалиётида янгилик сифатида эътироф этилди.

Давлат тест маркази ватандошларимизнинг маънавияти ва маърифатини бойитиш, юртимизнинг тест синовлари соҳасидаги мутлақо янги кашфиёт ва ихтироларини дунё миқёсига олиб чиқиш учун жонбозлик кўрсатаверади.

Суҳбатдош:
Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

«ШЕРНИНГ СУТИ» ОҒИР ЭКАН

Суддан кейинги ўйлар

Олтиариқ қишлоғилик эндигина 22 ёшга тўлган Тўлқинжон Шокировни ҳеч ким бировнинг ҳаётига қасд қилади, деб ўйламаган эди. Чунки, у дала меҳнатидан ортмайдиган, анчайин таниқли механизаторнинг ўғли бўлиб, Навоий номли жамоа хўжалигида звено бошлиғи эди.

1996 йилнинг 22 май куни. Шундай ёруғ кунни Тўлқинжон ўзи учун қора қилди. «Шернинг сути» — ароқдан ичди, лекин яна ичкиси келди. Соат 18 лар чамаси, маҳалладоши Убайдулла Маматқулов билан жамоа хўжалигига қарашли сут-товар фермасига кириб яна олишиб, улфатчилик қилишади. Кайф нималар қилмайди дейсиз?! Бу шишадошлар охирида бир-бирини ялаб-юлқашмади. Аксинча, поймапой гаплари бир-бирига тўғри келмай қолди. Жанжал чиқди. Тўлқинжон ўзини бир кўрсатиб қўйиш мақсадида улфатини дўппослади. Тепки, мушт еган Убайдулло Маматқулов тан жароҳати олиб, асфальтга боши билан йиқилди. Ерда қилт этмай чўзилиб ётган улфатини кўрган Тўлқинжон сал-пал ўзига келади. Қилиб қўйган жоҳиллигидан қўрқиб кетиб, жуфтакни ростлайди. Шу куни тунда уйига оғир аҳволда олиб келинган У. Маматқулов вафот этади. Тўрт нафар фарзанди етим, хотини бева бўлиб қолади.

Эртасига саҳар пайти Тўлқинжон дадасидан улфати У. Маматқуловнинг ўлиб қолганини эшитиб, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрига кетиб қолади. Эҳ, хом сут эмган банда, қора қилмиш касридан, қонунлардан қочиб қутулиб бўлармиди?! Дадаси инсофли экан, ўғлини қайтариб олиб келди.

Бўлар иш бўлди, лекин ёмон бўлди. Бир инсоннинг ўлимига сабабчи бўлгани учун энди бўй чўзиб келаётган Тўлқинжон одил суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазони қаттиқ режимли қамоқхонада ўтайдиган бўлди.

Жиноят изсиз қолмади, жиноятчи жазоланди. Гап фақат шундами? Йўқ! Бу жиноят сал ҳушёр бўлганимизда рўй бермасди, иккита оила бошига кулфат ёғилмаган бўларди. Ахир бу жиноят ўз-ўзидан туғилгани йўқ. Кимлардир бошида гувоҳ бўлишган, лекин индашмаган, лоқайдлик, тўғриси томошагўйлик қилишган. Аввало Тўлқинжоннинг ота-онаси айбдор, ўғилларини эътиборсиз қолдиришган, берган тарбияларининг қаеридир кемтик бўлган. Шу кулфат туфайли қанчалаб орзу-умидлари йўққа чиқди. Келин туширишмоқчи эди... Надоматлар кўз ёшларга айланади. Тўғри ва чин дилдан ишонамиз ҳам, Тўлқинжон ўзига келиб, кўзи очилиб, минг-минг тавба қилган. Бу албатта яхши. Бир куни гуноҳини оқлаб келади. Наилож, ўзини «тиғ»га урди. Бу хунук қилмиш бошқа ёшларга ҳам сабоқ бўлиб, Тўлқинжон сингари йўлидан адашаётганларни эртароқ йўлга солсин-да.

Б. ТАВАККАЛОВ,
Олтиариқ туман судининг судьяси,
Х. ЖЎРАБОЕВ,
журналист.



«Уч оғайни».

• Хатлар • Хатлар • Хатлар

САВОБ ҲАМ КЕРАК-КУ!

Сизларга бир таклиф билан мурожаат этаяпман. Мен Туроб Бобоқулов Бухоро вилояти Олот тумани Денов жамоа хўжалигида яшовчи, қанд касаллиги билан касалланган иккинчи группа ногиронман. Бозор иқтисоди баҳона доридармон қимматлашиб кетди. Мана мисол учун, мен кунига уч маҳал дори ичишим керак. Биргина «Трентал» деган дорининг баҳоси 512-550 сўм туради. Бир ойда 4 қути ичаман. Бу 2100 сўм кетди дегани. Ўзим 2177 сўм пенсия оламан. Яна бир дори 190-200-250 сўм туради. Бир қутисида 100 дона бор. Бир ойга етади. Оладиган пенсиям дорига етмайди.

Айтмоқчи бўлганим, ҳурматли таҳририят, ҳар бир туманда ногиронлар учун алоҳида дорихона очиб, уларга имтиёзли хизмат кўрсатилса, қандай яхши бўларди. Ахир, савоб ҳам керак-ку.

Туроб БОБОҚУЛОВ,
иккинчи гуруҳ ногирони.

НАФАҚАНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Ҳурматли таҳририят!

Мен 1995 йил 15 ноябрда фарзанд кўрдим. Ҳукуматимиз ва Президентимизнинг болалар ва болали оналарни ҳимоя қилиш ва уларнинг турмуш даражасини кўтариш ҳақидаги қонунларга асосан болага қараб ўтириш учун 2 йиллик таътилга чиққан эдим. Шу ўтган вақт ичида на фарзандимга, на ўзимга ҳатто туғилишгача ва туғилишдан кейинги касаллик варақасига ҳам бир сўм пул олмадим. Шундан кейин жамоа хўжалигидаги нафақа билан таъминлаш бўлими мудири Гулнора Кўчқоровага учрашган эдим. У бўлса хўжаликда болага қараб ўтириш учун нафақа берилмайди, агар нафақа керак бўлса хўжалик аъзолигидан бўшаб, туман нафақа билан таъминлаш бўлимига ҳужжат топширасан, дейди. Хўжалик раиси Шарифбой Ортиқовдан ҳам шу жавобни олдим. Туман нафақа билан таъминлаш бўлимидагилар эса майли ҳужжат топширсангиз шу кундан бошлаб тўлаймиз, дейди. Ахир мен шу хўжаликда ишласам-да, нафақа билан таъминлаш вақтида аъзоликдан чиқарилсам, тўғри бўлармикан?

Мана фарзандлик бўлганимга ҳам 16 ойдан кўпроқ вақт ўтди, бунинг ҳақини қаердан оламан. Ахир Президентимиз Фармонлари Ўзбекистонда яшовчи ҳамма учун баробар эмасми?

Хоразм вилояти Гурлан тумани,
«Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги
1-бригада аъзоси
Оқилжон БЕКМАНОВА.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«АВТОБУС ОТАНГИЗДАН ҚОЛГАНМИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил, 9 январь)

«Автобус отангиздан қолганми?» сарлавҳали танқидий мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида кўриб чиқилди ва уюшма тизимидаги барча автокорхоналарда ҳайдовчи ва чиптачиларнинг умумий йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳақиқатдан ҳам чиптачиларнинг иш услуби бугунги кунда долзарб мавзу. Бир неча йиллар давомида чипта усулининг бекор қилиниши ўз салбий таъсирини кўрсатиб, ҳайдовчи, чиптачи ва йўловчиларнинг чипта сотиш ва олиш мажбуриятларини бирмунча издан чиқариб юборди.

Ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан уюшмада бир қанча ишлар қилинмоқда. Ҳайдовчи ва чиптачилар орасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, унда чиптачиларнинг ўз хизмат вазифаларини тўлиқ ва виждонан бажаришлари уқтирилди.

Уюшма тизимидаги корхоналарда ишлаш учун ҳайдовчи ва чиптачиларнинг доимий етишмаслиги сабабли шу кунга қадар чиптачи бўлиб ишлаш хоҳишини билдирган ҳар бир одам ишга қабул қилинаётган эди. Ўтган йили сентябрь-декабрь ойларида 326 чиптачи ўз хизмат вазифасини эплай олмаганлиги, суиистеъмол қилганлиги учун ишдан бўшатилди. Ҳозирги кунда чиптачиларнинг мансаб йўриқномаси қайта кўриб чиқилди. Чиптачи ва ҳайдовчини ишга қабул қилиш махсус ҳайъат суҳбатидан сўнг амалга оширилмоқда.

Шаҳар солиқ инспекцияси билан биргаликда махсус жадвал асосида рейдлар ўтказилиб, нопок ҳайдовчи ва чиптачилар устидан далолатномалар тузилиб, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Бундан бўён уюшма раҳбарияти йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, шаҳар транспортида ишлаш учун виждонли, ҳалол, ўз касбига меҳр қўйиб хизмат қиладиган чиптачиларни ишга қабул қилиш масалаларини ва уларнинг ишини доимий назоратга олади.

Р. УСМОНОВ,
Бошқарув раисининг ўринбосари.

МУЛКДОР БЎЛИШ

Ислоҳот ва масъулият

Агар ҳар бир жойнинг ўз эгаси, ўз мутахассиси бўлса, ўша жойда иш албатта юришиб кетади. Хўжасизликка йўл қўйилмайди, ташмачилик, талон-торож қилиш ўз-ўзидан барҳам топади. Шу боисдан, фермер ҳам ишбилармон, тадбиркор, меҳнаткаш бўлсагина ҳамма нарсага эришади.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини барпо этиш юзасидан бошланган ҳаракатга қўшилиб, бу соҳада ўз куч ва билимини синаб кўришга астойдил бел боғлаган Муқимжон Эрхўжаев 1992 йилнинг февралида Чиноз туманининг «Йўл тушган» жамоа хўжалиги ҳудудида кичик фермер хўжалиги ташкил этган эди. 1995 йилда эса Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб, жамоа аъзолари томонидан тумандаги йирик қорамолчилик фермаси хусусийлаштирилиб, тез орада мулкчиликнинг ҳиссадорлик жамияти шаклига айлантирилди. Ҳозирда эса мазкур хўжалик, «Муқимий чорвачилик хўжалиги» деб юритилмоқда.

— Иш бошлаган кезларимизда дастлаб 275 бош қорамол бўлиб, шундан 115 таси соғин сигирлар эди. Жамоа хўжалиги тасарруфидаги сигирларнинг ҳар биридан бир пайтлар 1400-1500 литр миқдорида сут соғиб олинган бўлса, эндиликда бу икки баравар ошиб, 3 минг литрни ташкил этмоқда, — дейди Муқимжон ака.

— Хўш бундан ҳам юқори самарадорликка эришиш мумкинми?

Халқимизда, деҳқон бўлиб бир йил ишла, чорвада ўн йил, деган доно гап бор. Мана, фермерларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Чорвачиликда ҳам бошқа соҳалар қатори танлаш — саралаш деган муаммо бор. Бугунги кунда биз ана шу йўлни тутаяпмиз. Чорвада наслга аҳамият бермас экансиз, бирингиз икки бўлмайди.

— Яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасида жуда долзарб, ўткир масалалар кўтарилди. Ҳамма ўзининг юрак тубида ётган дардини, муаммоларини айтди. Сиз бугунги кунда фермерларга нималар тўсқинлик қилаяпти, деб ўйлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари учун ажратилган ер ҳар бир шартли мол учун, жамоа хўжаликларида 1-1,5 гектарни ташкил этса, хусусий фермаларда бу 30 сотихга тушиб қолди. Майли, биз шунисига ҳам розимиз, бу ерда икки марта экинни қайта экиб, оралиқ экинлар ҳисобига ҳосилни кўпайтириб, бир бош қорамолни боқишимиз мумкиндир, аммо уларнинг масҳулдорлигини оширишда ҳам яхши эмас. Агар «Бизнес фонд» томонидан фермерларга янада эркинлик яратилиб, керакли маблағ ажратиб турилса, тармоқлардаги ишимиз ижобий томонга илгари одимлаган бўларди. Бунинг устига, бу соҳада ишлашга ҳамма ҳам чидаб кетавермайди, айниқса ёшлар. Шу боисдан, тажрибали чорвадорларни қадрлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириб туриш лозим деб ўйлайман. Ҳозирги кунда муваффақиятга эришаман деган одам молнинг бош сонига қараб эмас, балки ундан олинадиган маҳсулотга қараб ишлаши керак.

— Яна қандай янгиликлар тўғрисида ўйлаяпсиз?

— Ўтган йилнинг охирги, жорий йилнинг бошларида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 1,5 мингта венгер зотли хўжалар олиб келдик. Ҳозирда улар тухумга кириш арафасида. 250 минг дона тухум олишимиз, гўшт тайёрлашни 80 тоннага, сут етиштиришни эса 400 тоннага етказишни мўлжаллаяпмиз.

Чўчқачилик сердаромад соҳа бўлгани учун бу ишга ҳам қўл урмоқчимиз. 50 бош ондатра боқяпмиз.

Туманимиздаги 255 хонадонни ўз ҳисобимиздан ичимлик суви билан таъминладик. Энг асосийси болалиик чоғларимда нималарни орзу қилган бўлсам, бугунги кунда улар бирин-кетин амалга ошмоқда. Аслида, бахт дегани шу бўлса керак...

Биз «Муқимий чорвачилик хўжалиги» ҳиссадорлик жамияти мисолида , мулкчиликнинг нодавлат шаклларида фаолият юритаётган хўжалик ва корхоналарга ўрнак олса арзигулик мисолларни келтириб, мулоҳаза юритяпмизу, лекин, кўп йиллардан буён касалга айланиб қолган лоқайдлик иллатидан қутулишга чоғланяпмизми? Энди хўжалик юритишдаги ана шу кемтик жойнинг ўрнини тадбиркорлик билан тўлдирмасак бўлмайди. Зеро, бусиз, хўжаликнинг бозор иқтисодиётига кириб бориши амри-маҳол.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОСОН ЭМАС

Биз шундай халқмиз

ТАНБУР, ДУТОР, ЧОЛҒУЧИ УСТА...

Созанданинг қўлида яхши соз бўлмаса, у ўз санъатини тўла намойиш эта олмайди. Яхши соз бўлиши учун яхши уста керак. Раҳим Қосимов ана шундай ажойиб чолғу асбоблари ясайдиган фидойи отахонлардан. У кишининг ижодига мансуб танбур, дутор, қашқар рубоби, афғон рубоби, гижжаклар, мана неча-неча йилки, нафақат республикамиз созандалари ва хонандаларига, балки қўшни республикалар санъаткорларига ҳам манзур бўлиб келмоқда.

...Устози кўпинча бир кунда икки дуторни қўлдан чиқарарди, бироқ шунга қарамасдан, уста ясаган созларда бирон-бир қусур бўлмасди. Устознинг меҳнатига зеҳн қўйиб ишлаган ёш Раҳим аста-секин мустақил тарзда созлар ясай бошлади. Шу ўринда қуйидаги воқеани эслаш жоиздир.

Кунларнинг бирида Обидохуннинг устахонасига Юнус Ражабий кириб келди-да, ҳолаҳвол сўрашгандан сўнг ундан: «Бизнинг буюртмамиз тақдири нима бўлди? — деб сўради. Уста эса Юнус ака берган буюртма — дуторнинг бўғзини эндигина бошлаб қўйган эди.

— Юнус ака, — юзланди уста илтимос оҳангида, — бирпас айвонда ёнбошлаб туринг. Мен ҳадемай буюртмангизни бажариб бераман.

Юнус ака айвонда ёнбошлаб пинакка кетди. Орадан икки соатчалик фурсат ўтар-ўтмасдан, уста ҳашаматли дуторни битказиб, уни буюртмачига тутқазганида, созни обдон текшириб кўрган Юнус ака Раҳим Қосимовнинг санъатига тасанно айтганича чиқиб кетди.

Уста Раҳим Қосимов яратган созлар Рихси Ражабий, Исҳоқ Ражабий, Жўрабек Сайдалиев, Турғун Алиматов, Ориф Қосимов, Ғуломжон Қўчқоров, Маъруфхўжа Баҳодиров, Абдумутал Абдуллаев, Фахриддин Умаров, Неъматжон Қулабдуллаев ва бошқа талабчан санъаткорларнинг таҳсинига сазовор бўлган.

— Бетакрор уста Раҳим ака Қосимов ясаган созлар яқинидан пашша учиб ўтса сезилади — тинғиллайди. Бу созлар юракни тилга улайди, — миннатдорчилик билан дейди хонанда Ортиқ Отажонов.

Уста кўплаб иқтидорли шогирдлар тарбиялади. Акмал Ражабов, Қудратилла Соипов, Муҳаммадамин Баҳодировлар ана шундай шогирдлари сирасидандир.

Уста Раҳим Қосимов 70 ёшни қоралаб қолган бўлсалар-да, ҳамон қўлидан чиққан қатор созлар жаҳон кўргазмаларида халқимизнинг ижод маҳсули сифатида намойиш этилмоқда.

Абдулла УМАРОВ,
Тошкент Давлат маданият институти доценти.

СУРАТДА: Раҳим Қосимов иш устида.

ОБ-ҲАВО

18-22 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Аввалига республикамизда ёғингарчилик кутилмайди. Фақат шу даврнинг ўртаси ва охирида баъзи бир ҳудудларда ёмғир ёғиб ўтади. Ҳаво ҳарорати давр бошида меъёрида бўлиб, кечаси 0-5 даража илиқ, кундузи 13-19 даража илиқ, жанубий вилоятларда 16-21 даража иссиқ, шимолий вилоятларда эса кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 10-15 даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Даврнинг иккинчи қисмида ҳаво ҳарорати ўрта ҳисобда 4-6 даражага пасаяди.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда давр бошида ёғингарчилик бўлмайди, даврнинг иккинчи қисмида ёмғир ёғиб, ҳаво ҳарорати кечаси 0-5 даража илиқ, кундузи симоб устуни 13-18 даража илиқни кўрсатади. Давр охирида ҳаво ҳарорати 4-6 даражага пасаяди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «АҚИДАХОН» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Маълумот учун телефон: 45-56-58.

Қашқадарё вилояти, Яккабоғ шаҳар 32-ҳунар-техника билим юрти томонидан 1996 йилда Каримов Ахрор Абдусаломович номига берилган АУ №053597 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

СОЛАНАНИНГ ТАШРИФИ ЎРИНЛИМИ?

☑ Ўтган ҳафтада НАТО Бош котиби Хавер Солана МДҲдаги бир қатор давлатларга расмий ташриф буюрди. У Молдова, Грузия, Арманистон ва Озарбайжонда бўлиб, ушбу давлатларнинг НАТО билан бўлажак муносабатлари ҳақида мулоқотлар олиб борди.

«Би-Би-Си» радиосининг хабарига кўра, Ғарбдагилар Солана илк бор ушбу мамлакатларга келган бўлсада, лекин ташриф учун ўринли вақт танланмаган, деган фикрни айтишмоқда. Гап бу ерда НАТО кенгайишига нисбатан айни бугунги кунда Россиянинг бўлган муносабати тўғрисида кетмоқда. Тўғри, юқоридаги тўрт мустақил давлатлар НАТО билан «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури бўйича алоқалар ўрнатишга эҳтиёж борлигини билдиришган. Лекин шу билан бирга НАТОга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш айни чоғда уларни қизиқтирмаётганини ҳам таъкидлаб ўтишган.

ДЕПУТАТЛАР ТАШҲИС ҚЎЯДИ...

☑ Россия Давлат думаси Борис Ельциннинг президентлик ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш ҳақидаги қарор лойиҳасини кўриб чиқиб, қабул қилмади. Виктор Илюхин (РФКП фракцияси) томонидан таклиф этилган лойиҳа бўйича амалда зарур бўлган 226 ўрнига 208 депутат ёқлаб овоз берди. Зеро депутатлар «Россия минтақалари» гуруҳи томонидан таклиф этилган қарор лойиҳасини маъқуллашди.

Бу қарор лойиҳасига кўра, мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига 1997 йилнинг мартига қадар Россия Президентининг даволовчи врачларини жалб қилган ҳолда Борис Ельциннинг соғлиғи тўғрисида Давлат думасига ёзма равишда хулоса тақдим этиш топширилган. Бу таклифни қўллаб 271 депутат овоз берди, 39 киши қарши ва 14 нафар депутат эса бетараф бўлди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ҚОЧИБ ЎТДИ

☑ Жанубий Кореянинг «Кей-Би-Эс» телекомпанияси маълумотига асосланиб, «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ирнинг яқин сафдошларидан бири, 72 ёшли Хван Жан О ўтган ҳафтада Жанубий Кореяга қочиб ўтди, деб хабар беради. Кейинги 40 йил ичида икки Корея давлатлари ўртасидаги ихтилофлар мобайнида шундай юқори лавозимли шахс биринчи маротаба қўшни давлатга қочиб ўтган.

Хван Жан О Жанубий Корея Ишчи партияси МК аъзоси ва мамлакат парламентининг халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси раиси ҳисобланади. Хорижий таҳлилчиларнинг таъкидлашларича, бундан ташқари у «чучхе» таълимотининг асосий назоратчиларидан бири бўлган.

Жанубий Кореянинг Пекиндаги элчихонаси баёнотига кўра, бу ерда яшириниб турган КХДРнинг юқори лавозимли партия раҳбари элчихонага таксида келган ва сиёсий бошпана сўраган. Дарвоқе, кейинги уч йил мобайнида Шимолий Кореядан жанубдаги мамлакатга 180 киши қочиб ўтган.

БИЗНЕСМЕН ЖУРНАЛНИ АЙБЛАМОҚДА

☑ Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида дунё ишбилармонлари доирасида машҳур бўлган «Форбс» журналининг россиялик бизнесмен ва ҳозирги пайтда мамлакат Хавфсизлик Кенгаши котиби ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Борис Березовский ҳақида «Кремлнинг тутинган отаси?» сарлавҳали мақола чоп эттанини маълум қилган эдик. Журналдаги ушбу мақоладан норози бўлган Б. Березовский «Форбс»ни судга берди. Бу даъво халқаро доираларда катта шов-шувга сабаб бўлди.

Дарвоқе, журналдаги ушбу мақолада ёзилишича, Борис Березовский «ЛогоВАЗ» воситачилик фирмаси ва Бутун Россия автомобиль уюшмасини (АВВА) ташкил этишда раҳбарлик қилган, айни чоғда Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида йирик кўчмас мулк иншоотлари эгаси бўлиши билан бирга РЖТ ва ТВ-6 телекомпанияларида ҳам йирик акциялар назорат пакетига эгадир. Журнал марҳум тележурналист Влад Листьев ўлими иши ҳўйича ҳам бир неча тахминларни айтган. Қизиқарлиси шундаки, «Форбс»даги мақолага муаллиф имзоси қўйилмаган. Буни таҳририят муаллиф ҳаётига хавф солиниши мумкинлигини эътиборга олиб, шундай қилинганлигини таъкидлайди.

Энди даъво масаласига келсак, Березовский «Форбс» журналини Америкада эмас, балки Англиядаги судга берган. Буни бизнесменнинг оқловчиларидан бири Патрик Робертс шундай изоҳлайди: «Березовский иш юзасидан ҳамда баъзи оилавий манфаатлари нуқтаи назаридан Лондонда суд ўтказилиши тарафдоридир. Чунки, уни йирик ишбилармон сифатида Англияда кўпроқ билишади». Бундан ташқари мазкур иш юзасидан Америка судларидан кўра, Англия судларида ютиб чиқиш осонроқ кечар экан. Буюк Британияда мақолада тўла фактларга асосланган ҳолда у ёки бу киши айблансада, муаллиф уни шаънига доғ туширишни мақсад қилиб қўймаслиги керак.

БАШОРАТЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

☑ Коста-рикалик башоратчилар Анита Кассандра ва «профессор» Сауллар мамлакат пойтахти Сан-Хоседа чиқадиган «Республика» газетасида ақлга сиғмайдиган мудҳиш тахминларини эълон қилишди. Уларнинг айтишича, 1997 йилда машҳур кишилар Иоан Павел II, Фидель Кастро ва Тереза оналарнинг вафот этиш эҳтимоли бор эмиш.

Юқоридаги башоратларга тўхталган газета «Рим папаси ва Тереза онанинг бугунги саломатлиги аҳволини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кутилмаган ҳодиса сифатида қабул қилинмайди», деб таъкидлайди. Аммо Куба раҳбарига келсак, у ҳозирги пайтда ўзини яхши ҳис қилмоқда ва яқинда журналистларга берган интервьюсида 100 ёшга киришни мўлжаллаётганини айтган.

Башоратчилар АҚШ Президенти Билл Клинтон шахсига ҳам эътибор қаратишган. Уларнинг айтишига қараганда, бу йил Билл Клинтон ўз ҳаётида жуда жиддий севги ғавғосига ҳам дучор бўлар экан.

Аслиддин БОЛИЕВ.

«ОКА, ДОЛЛАР КЎТАРИЛДИ»

Товарларинг нега қиммат?
Нега унут бўлди ҳиммат?
Сўрасам айтар Нодирмат:
«Ока, доллар кўтарилди».

Печка, карнай сотувчи ҳам,
Отга тақа қоқувчи ҳам,
Ҳатто фолбин, боқувчи ҳам,
Дейди: «Доллар кўтарилди».

Ҳайвонларнинг нархин қаранг,
Бош айланар, қулоқ гаранг,
Мол бозордан қочдим аранг,
«Ока, доллар кўтарилди».

Донга сира ёнлаб бўлмас,
Сабзи-пиёз келолмас бас.
Қўй гўштини қилманг ҳавас,
«Ока, доллар кўтарилди»

Чойнинг нархи осмон-фалак,
Ета олмай шакар ҳалак,
Пул тополмай бел камалак,
«Ока, доллар кўтарилди».

Банкда доллар ўша-ўша,
Бозорда юлғич ҳамиша.
Қолмади инсоф, андиша,
«Ока, доллар кўтарилди».

Кўтарилса не ҳам қилай,
Ростлигини қайдан билай.
Дардим айтиб кимга йиғлай,
«Ока, доллар кўтарилди».

Абдураҳмон ТЎЛАБОЕВ.

Бу турфа олам

«ЗЕРИКАРЛИ САЁҲАТ»

Норвегия халқи Антарктидани бошдан оёқ ёлгиз ўзи босиб ўтган Борге Оусландни миллат қаҳрамонидек кутиб олди. 34 ёшли сайёҳ Б. Оусланд 64 кун давомида чанғилар ёрдамида 2845 километр масофани босиб ўтди. У шу вақт ичида «Оқ қитъа»нинг 56 даражали совуғини «татиб кўрган», музликлар ўлкасидаги сукунат билан «суҳбатлашган». Жасур сайёҳнинг таъкидлашича, Норвегияда «Оламшумул воқеа» дея эътироф этилган мазкур экспедицияни амалга ошириш унчалик қийин бўлмаган. Борге ёнида «ёзилиб гаплашадиган ҳамроҳ» бўлмагани учун гоҳида бироз зериккан, холос.

Акс-садо

МАТБУОТ АРАЛАШГАЧ...

Газетамизнинг 11 февраль сони «Хатлар...» рукнида Сергели туманининг Қуйлиқ-5 даҳасида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг «Бошлиқ хонасида утиролмаса...» сарлавҳали танқидий мактуби эълон қилинган эди.

Сергели туман ҳокимлиги матбуот чиқишини эътиборсиз қолдирмай шошилинч чора-тадбирлар кўрди. Натижада «Қуйлиқ 5-6» даҳасидаги мавжуд кўп қаватли уйларнинг деярли ҳамма яроқсиз чиқиш (подъезд) эшиклари янги темир эшикларга алмаштирилди. Янаям, тўғрироғи, эрталаб ишга кетган маҳалладошлар ишдан қайтгач, аҳвол яхши томонга узгарганлигини пайқадилар. Биргина 9-уйнинг мавжуд ҳамма чиқиш эшиклари (саккизта) бир соат ичида янгисига ўзгартирилганлигини ҳисобга олсак ҳайратланмай иложимиз йўқ. Матбуот чиқишига бўлган ҳозиржавобликдан барчанинг кўнгли тўлди. Кечки пайт 252-ўрта мактаб мажлислар залида бир кунлик иш якунлари кўриб чиқилди. Йиғилишда иштирок этган туман ҳокими М. Йўлдошев ва республика Олий Мажлиси депутати А. Қирғизбоевга Абдураҳим Шерматов номли маҳалла аҳли ўз дардларини тўкиб солдилар. Шу залда ўтириб, ҳақиқатдан ҳам «Қуйлиқ-5-6» даҳаларида яшовчиларнинг муаммолари бисёрлигига ишонч ҳосил қилдик. Буни туман ҳокими ҳам тўғри тушуниб, мазкур даҳаларга қўшимча куч жалб этиш, қисқа муддатда йўлларга асфальт ётқизиш, тунги кўча чироқларини тўлиқ ўрнатиш, иссиқлик тармоғини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришини айтди. Йиғилишда ҳар бир соҳанинг мутасадди раҳбари иштирок этгани бу ишларнинг тез ва сифатли битишига умид уйғотди.

Шу ўринда яна бир гап. Кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар бир-бирларига ниҳоятда бефарқ бўлиб боряпти. Аҳвол шу даражага етиб борганки, ён қўшнинг ким, нима билан шуғулланади билмайсан, киши. Бу ерда кўпгина маҳалладошлар тўрт мингдан, етти мингача 4-ижарадаги уйжойдан фойдаланиш корхонасидан қарзлиги маълум бўлди. Бу биз билан бирга нафас олиб, ёнимизда яшаётган айрим кишиларнинг ўзи фойдаланган газ, сув учун ҳам йил давомида лоақал бир тийин тўламаганлигидан далолатдир.

Шундай экан, гап яна жипсликнинг йўқлигига бориб тақалади. Ҳар қандай қийинчиликни бир ёқадан бош чиқариб енгиш чорасини кўриш зарур. Агар ҳокимликда ўтирганлар баъзи ҳолларда маҳаллалардаги кўпгина муаммолардан бехабарлигини ҳисобга олсак, шаҳар, туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари ишини ҳам жонлантиришга тўғри келади. Ана шундан кейингина ҳар қандай муаммо матбуот аралашувисиз ўз ижобий ечимини топади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САДАҚА ЎРНИГА ЎҚ ЕДИ

Мексикага саёҳат қилган америкалик турист аёл — Аманда Жордан ўзидан ҳадеб садақа сўрайверган тиланчи болани отиб ташлади. Эндигина 9 ёшга қадам қўйган Хосе Фернандес эса, бахтли тасодиф туфайлигина омон қолган. Мазкур воқеа Мексикада катта шов-шув ва норозиликка сабаб бўлди. Чунки, Аманда сайр қилиб юрган Сьюдад-Хуарес шаҳри АҚШ чегараси яқинида жойлашган ва бу шаҳар аҳолиси америкаликларни кўп ҳам хуш кўравермайди.

«МИРАЖ» САБАБЧИМИ?

1973 йили Франциянинг Бурже авиасалонида бўлиб ўтган кўргазмада «ТУ-144» русумли товушдан тез учувчи самолёт ҳам намойиш қилинганди. Ушанда ушбу самолёт ҳалокатга учраган ва ҳалокат сабаблари аниқланмаганди.

Яқинда Буюк Британия телевидениеси ана шу ҳалокат ҳакида кўрсатув тайёрлаб, уни Франциянинг «ТФ-3» дастури орқали намойиш этди. Маълум бўлишича, «ТУ-144»нинг ҳалокатига уни кузатиб келаётган «Мираж» русумли Франция самолёти сабаб бўлган. Инглиз журналистларининг таъкидлашича, «Мираж» тусатдан «ТУ»нинг олдини кесиб ўтган. Товушдан тез учадиган улкан самолёт экипажи эса, бундай «тасодиф»га тайёр эмас эди...

Шундан кейин «ТУ-144» русумли самолётлар хавфли деб топилган ва уларни кўплаб ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилганди.

«ЮЛДУЗ» ФАРЗАНД КЎРДИ

Америкалик машҳур поп-мусиқа юлдузи Майкл Жексон ўғилли бўлганга ўхшайди. Ҳар ҳолда АҚШнинг «Кей-Эн-Би-Си» телекомпанияси шундай хабар тарқатди. Телекомпания дикторларидан бирининг айтишича, Майклнинг рафиқаси — Дебби Роулнинг ўзи унга туғруқхонадан телефон қилиб, ушбу хушхабарни етказган. Лекин Дебби ётган «Седарс-Сайнай» тиббиёт маркази ходимлари ушбу янгиликни тасдиқлашни истамаяпти. Майклнинг ўзи ҳам сукутда.

Маълумки, ўтган йилнинг ноябрь ойида никоҳ қилинган Майкл билан Дебби 15 йиллик қадрдонлардир. Улар илк бор Майклни бир неча марта пластик операция қилган жарроҳ ҳузурида учрашишган. У вақтларда Дебби ҳамширалик қиларди.

ИТП ФАРМ
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
Предлагает медикаменты со склада в Ташкенте по группам:
- *Сердечно-сосудистые препараты;*
- *Антибиотики;*
- *Изотонические растворы;*
- *Витамины;*
- *Жидкие лекарственные формы;*
- *Изделия медицинского назначения;*

Отпуск товара производится немедленно по факту оплаты. Форма оплаты – перечисление.
Наш адрес: ул. Мавлянова 37.
Ориентир: Институт Вакцины и Сыворотки
Тел/факс: 34-77-59. Тел: 35-79-09.

УАЗ
"ОСИЁ-ВОЛГА"
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ
Тошкент шаҳридаги омборхонадан УАЗ-3962 русумидаги автомобилларни ва УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни



СОТАДИ.
Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 16^А уй, 221-хона
Телефонлар: 41-58-51, Факс: 41-52-41.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ПИЁДАЛАР!

«Матбуот автоклуби» хабар қилади

Инсоният от-уловни кашф этди-ю узоғи яқин, мушкули осонлашди. Аммо пиёданинг аҳволи ночорлашди, ҳатто хавф-хатарда қолди. Бу хавф эса тобора кучайиб боряпти. Чунки транспорт воситалари кунсайин кўпаймоқда. Ер юзида ҳар йили миллионлаб пиёдалар ана шу хатар қурбони бўлмоқда.

Ўтган йили мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 1046 пиёда ҳаётдан кўз юмди. 5265 нафар пиёда эса тан жароҳати олиб, бир умр майиб-мажруҳ бўлиб қолди.

Бу мудҳиш рақамлар бўлмас эди, агар... ҳайдовчилар бироз ҳушёр, пиёдалар ҳам андак жонсарак юришганда. Шу боисдан ҳайдовчи-ю пиёдаларни ҳушёрликка ундаш, огоҳ этиш фойдадан холи эмас. Бу даъват қаердадир, кимнидир хатарли қадамдан сақлаб қолиши тайин. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармаси ташаббуси билан шу йилнинг 15 февралидан 25 февралигача «Диққат, пиёда!» тадбири ўтказилаётир. Мамлакатимизни қамраб олган бу тадбир самарали, фойдали бўлиши учун ички ишлар органлари, автоҳўжалик хавфсизлиги хизмати, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик жалб этилди.

Норбобо ШАКАРОВ.



ҚЎЙТОШ МАНЗАРАСИ. Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

КУБОККА КУБОК ҚЎШИБ

Спорт

Фарғонада вилоят футбол федерацияси кубоги учун водий жамоалари ўртасида ўтказилган анъанавий мавсумолди баҳслари якунланди. Жамоалар икки гуруҳга бўлиниб саралаш учрашувларини ўтказдилар. Финалга эса «Нефтчи-1» ва «Нефтчи-2» жамоалари чиқишди. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган ҳал қилувчи ўйинда «Нефтчи»нинг биринчи жамоаси 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, мамлакат кубоги ёнига вилоят кубогини ҳам қўшиб қўйишга муваффақ бўлди.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР БАҲСИДА

Волейбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бошланди. Мусобақада Навоий, Самарқанд, Наманган, Фарғона волейболчилари, Тошкентнинг ФИСК, «Алгоритм», «Темирйўлчи», ЎзОГ жамоалари қатнашмоқда. Дастлабки тур ўйинларида ФИСК волейболчилари Фарғона, Навоий, Наманган, Самарқанд жамоаларини бир хил — 3:0 енгишди. ЎзОГ жамоаси эса Самарқанд, Фарғона волейболчиларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Навоий жамоасига 2:3 ҳисобида ютқазди. Наманганликлар билан учрашувда 3:1 ҳисоби қайд қилинди. Шунингдек, «Алгоритм» уч марта ютиб, бир гал ютқазди, «Темирйўлчи» ҳисобига иккита ютуқ, шунча мағлубият ёзилди.

АШГАБАДДА ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ

Ашгабадда Туркманистон Президенти кубоги учун халқаро футбол мусобақаси давом этмоқда. Қарийб ўнта футбол жамоаси мукофот жамғармаси 125 минг доллар бўлган совринга талабгорлик қилишмоқда. Дастлабки учрашувни Туркманистон терма жамоаси билан ўтказган «Бухоро» футболчилари имкониятни (3:0) бой беришган эди. Иккинчи ўйинда эса бухороликлар Россиянинг «Зенит» футболчилари билан майдонга тушиб, ҳисобни 1:1 қилишди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 18-fevral, seshanba № 21 (22.106).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Виктор ЗВЕРЕВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

МАНҒИТЛАР, ҚЎНҒИРОТЛАР, МИНГЛАР

(Уч хонлик даври)

Йигирма учинчи мақола

Кўрилаётган даврда марказий бошқарув тўлалигича даргоҳда мужассамлашиб, Аштрахонийлар даврида асосан емирилиб бўлган даргоҳ ва девонлар тизими тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Аниқроғи, мазкур тизим йўққа чиқканди ва ижроия вазифалари тўғридан -тўғри саройдаги у ёки бу лавозимда, ёки бирон-бир йирик арбоб фаолиятида мужжассамлашганди. Масалан, Аштархоний Убайдуллахон замонида мамлакатдаги энг нуфузли давлат мақомига айланган қушбеги манғитлар даврида, Шоҳ Мурод ҳукмронлик йилларини ҳисобга олмаганда, амирдан кейинги иккинчи шахсга айланганди. Бош вазир (вазорат) ўрнида қабул қилинадиган қушбеги мамлакат бошқаруви, молия, солиқ, хазина, пойтахтдаги аҳвол билан боғлиқ, энг муҳим масалаларни назорат қилган. Шунингдек, унга барча вилоятлар ҳокимлари бўйсунган.

Муҳимлиги жиҳатдан кейинги вазифа молия вазири (девонбеги) ҳисобланиб, уни одатда қуйи қушбеги деб атаганлар. Сабаби: қушбеги — бош вазир аркда фаолият кўрсатган бўлса, молия ишлари, асосан закот билан машғул қушбеги идораси аркдан пастда бўлган. Шунинг учун ҳам бош вазирни халқ орасида бош қушбеги (қушбегийи боло), молия вазирини эса қуйи қушбеги (қушбегийи пойон) дейилган.

Манғитлар даврида шайбонийлар, айниқса, аштархонийлар даврида катта мавқе касб этиб келган оталиқ хизмати асосан Самарқанд ва Бухоро, яъни амирликнинг марказий қисмида суғориш ишлари, сув тақсимоти билан боғлиқ тадбирларга бош-қош бўлган. Ҳар ҳолда XVIII аср охирларига оид ишончли манбалардан бирида шундай ёзилган. XIX асрга келсак, хусусан, тилга олганимиз Аҳмад Дониш асарида, бу лавозимга оид маълумотларни топиш иложи бўлмади.

Шунингдек, амирликда парвоначи (олий ҳукмдор ёрлиқларини амалдорлар, умуман тегишли кишиларга етказувчи), додхоҳ (жабрланувчилар арзини амирга етказиш ва жавобини олиб беришга маъсул) каби илгариги асрлардаёқ жорий бўлган вазифалар бор эди. Аммо мазкур давлат лавозимларининг мавқеи энди кўпроқ шу мансабдаги шахс нуфузи билан кўпроқ ўлчанадиган бўлиб қолганди. Худди шунга ўхшаш ҳолатни биз иноқ, вазифасида ҳам кўришимиз мумкин. Иноқ (бош иноқ) ўз лавозимига кўра, олий ҳукмдор буйруқларини ҳукуматдаги оддий хизматчиларга етказиш, демак буйруқни амалга оширишни ташкил қилиш, ва умуман ҳали давлат мансабини эгалламаган, лекин ҳокимият хизматида бўлганлар билан шуғулланган. Бундан ташқари кичик иноқ хизмати бўлгани ҳам маълум. У жойлардан, чет эл элчилари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар, номаларни қабул қилиб олувчи илк босқич ҳисобланган.

Амирликдаги яна бир муҳим давлат мансабларидан бири бу тўқсободир. Мазкур хизмат мазмунининг ўзгариб бориши қизиқ. Асл маъносига кўра, туғ, яъни олий ҳукмдордавлат байроқдори ҳисобланса-да, у олий маросимларда ишончли шахс сифатида олий ҳукмдор олдига таом тортиш каби ўз замони учун муҳим тадбирларни ҳам бажарган. Аммо XIX асрга келиб эса мазкур лавозим эгаси худди додхоҳ каби олий ҳарбий вакил даражасига кўтарилган. Ҳарбий ишлар бўйича энг юқори даражада эса ҳарб вазири турган. Уни кўпроқ лашкар тўпчибошиси деб атаганлар. Аниқроғи, лашкар тўпчилар қисмининг қўмондони ҳамда Бухоро гарнизони бошлиғи тамом ҳарбий лашкар бошлиги саналиб, амалда ҳарбий вазир вазифасини ўтаган. Тўпчи қисмлар бошлиғининг бундай юксак қадрланишини шундай тушунтириш мумкин: бу вақтга келиб ҳарбий санъат ва урушда тўпчилар, яъни энг замонавий қурол усталари ўрни алоҳида бўлган.

Шунингдек, бошқарувда парвоначи, эшикоғобоши, баковул, дастурхончи, хазиначи, мирохур каби қатор хизматлар ҳам бўлганки, улар ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларидан ташқари амирлик сиёсий ҳаётида тутган шахсий мавқелари билан ҳам қадрланганлар. Шунга кўра ўз-ўзидан улар эгаллаб турган лавозим қиммати ҳам ошган. Масалан, 1842 йили Қўқонни буйсундиргач, амир Насрулло бу ерга ноиб сифатида парвоначи унвонидаги ўз кишисини тайинлагани маълум.

Жамият бошқарувида муҳим аҳамият касб этиб келган шайхулислом, қози фаолиятига ҳам тўхтаб ўтсак. Шайхулислом мафкуравий муносабатларда энг олий даража ҳисобланиб, жамият маънавий ҳаётида, жумладан ҳукмдор хонадон ва олий ҳукмдор туриш-турмушига таъсири жиҳатидан XVIII-XIX аср биринчи яримларида ниҳоятда катта мавқега эга бўлган. Унга ҳатто олий қози (қози қуззат) ҳам бўйсунган. Олий қозига ўз ўрнида қуйи табақа қозилари, жумладан аскар қозилари ҳам ҳисобда бўлган. Ҳарбий доирадаги ҳуқуқий масалаларни аскар қозиси олиб борган. Олий қози ваколатига қуйидагилар киргани маълум: умуман суд ишлари, ижтимоий адолат билан боғлиқ масалалар, хусусан бозор, кўчакўйлардаги аҳвол, мадрасалардаги таълим, вақф ишлари, йўқолган вақф ҳужжатларини тиклаш, етим ва бевалар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, карвонсаройлардаги тартиб ва ҳоказо. Шунингдек, мазкур тизимда муфтий (ривоят ва фатво билан таъминловчилар), раъис (мухтасиб), садр (вақф мулклари ҳисоб-китоби ва назорати билан шуғулланувчи) каби хизматлар ҳам бўлганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Хава ва Қўқон хонлигидаги бошқарув масаласига келсак, умуман олганда уларнинг Бухоро амирлигидан кўп ҳам фарқи бўлмаган. Ва буни табиий деб билмоқ керак. Зеро, аслида бу уч сиёсий бирлик бир сиёсий бирлик — давлатнинг учга бўлинишидан, бир мамлакатнинг учга парчаланишидан таркиб топганди. Шунинг учун ҳам улар бир-бировларидан узоққа ё четга «қочиб» кетолмасдилар. Фарққа келсак, Хева хонлигида иноқ вазифаси шайбонийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврларида катта амалий аҳамият касб этган. Натижада ишора қилинганидек, Муҳаммад Амир иноқ 1770 йили ҳатто ҳокимиятни қўлга киритишга ҳам эришган. Аммо XIX аср биринчи ярмида эса Хева хонлигида хондан кейинги муҳим амалий лавозим қушбеги ихтиёрида мужассамлашганди. Кейинчалик эса, яъни XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб эса девонбегининг мавқеи хонликда олий ҳукмдордан кейин иккинчи ҳисоблангани маълум. Девонбеги нафақат бошқарув, олиқ-солиқ, молия ишлари, балки ҳарбий масалалар, чунончи ҳарбий юришларга бош бўлиш, аскарларга мукофот тайинлаш, душман билан музокара олиб бориш, сулҳ тузиш кабиларга ҳам дахлдор бўлган.

Боқий шажара

Қўқонда ҳам бошқарув тизими кўп жиҳатдан Бухородаги ҳолатни эслатса-да, аммо унинг ҳам ўзига хос томонлари бўлган. Қушбеги, девонбеги, оталиқ, парвоначи, додхоҳ каби мансабларнинг мавқеи бу ерда ҳам баланд ҳисобланган ҳолда, ҳарбий лавозим эгаларининг, айниқса, мингбошининг роли баъзи замонларда ниҳоятда юқори бўлганини биламиз. Чунончи, қушбеги, парвоначи лавозимидагиларга мингбоши ҳарбий унвони берилиши фикримиз далили бўла олади. Юқорида кўрганимиз, Мусулмонқул мингбоши ҳатто ҳокимиятни қўлга олиб, тамом хонлик ишларини юргизганини эслайлик.

Энди XVIII-XIX асрларда (то Россия босқинига қадар) мамлакатдаги ишлаб чиқариш соҳаларига тўхтаб ўтсак. Сиёсий муносабатлар нечоғли мураккаб бўлишидан қатъи назар, бу даврда сунъий суғориш ишларига эътибор сусаймаган десак тўғри бўлади. Бухоро хонлигидаги XVI-XVII асрларда бу соҳада қилинган тадбирларни айтиб ўтгандик. Амирлик замонига келиб то шунгача амалга ошириб келинган, қурилган сунъий суғориш иншоотларидан кенг фойдаланилган, янгилари ҳам қурилган. Масалан, Шоҳ Мурод, Ҳайдар ҳукмронлик йилларида. Хева хонлигида эса сунъий суғориш борасида олдинги асрларга нисбатан кўп иш қилингани яққол кўринади. Албатта бунда энг аввало хонлар ва йирик амалдорлар ташаббус кўрсатганлар. Араб Муҳаммадхон Тук қалъасидан Қуйғун томон қазитган канал, Абулғози Баҳодирхон номи билан боғлиқ Ғозиобод канали таъмири, Анушахон даврида ишлаб чиқилган ва ишга туширилган Ҳазорасп, Ҳазораспдарёсидаги Ҳазорасп ва Ҳазорасп ирмоқлари, Ҳазорасп ва Ҳазорасп ирмоқлари, Ҳазорасп ва Ҳазорасп ирмоқлари,